



Мавзу #1: Гидрогеологик мелиоратив комплекс кузатувларнинг мазмуни, тамойиллари, ривожланиш тарихи ва вазифалари

Режа:

- ***Сузбоши***
- ***Кириш***
- ***Фаннинг ривожланиш боскичлари***

Адабиётлар


Укув кулланма:

1.Г.У. ЮСУПОВ., С.Е. НУРЖАНОВ ГИДРОГЕОЛОГИК-МЕЛИОРАТИВ

КУЗАТУВЛАР ВА МЕЛИОРАТИВ КАДАСТР

Тошкент-2023й


Гидрогеологик мелиоратив кузатувлар сохаси қисқаси гидрогеологик- мелиоратив мониторинг мелиоратив гидрогеология фанининг амалий сохаси бўлиб мелиоратив шароити бузилган ёки унга зарар етган суғориладиган ва захи қочириладиган майдонларда олиб бориладиган комплекс-гидрогеологик, мелиоратив, тупроқ-мелиоратив ва гидрогеологик кузатувларни тизимли равишда олиб бориш ва ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш прогнозини қўйиш ва мелиоратив ҳолатини прогноз қилиш ва яхшилаш тавсияларини ишлаб чиқишдан иборат.



комплекс соҳа. Бу соҳа мелиоратив масалаларни ечишни ўз таркибига олади ва қуйидаги амалий масалаларни ечади:

- мелиорация объектини амалдаги гидрогеологик шароитини ўрганиш ва баҳолаш,
- мелиоратив ҳолатга таъсир этувчи табиий ва хўжалик омилларни ўрганиш;
- кузатув шахобчаларини турлари,вазифалари,жойлаштириш, кузатувларни олиб бориш,кузатув қудуқларни жихозлаш;
- суғориш ва коллектор-зовур сувлари сифати устидан олиб бориладиган кузатувлар;
- суғориладиган ерларни тупроқ мелиоратив ҳолати устидан кузатувлар олиб бориш.Кузатув турлари ва усуллари.Кузатувларни ташкил қилиш ва ўтказиш. Кузатув маълумотларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш.
- ер ости сувлари балансини ўрганишни назарий ва амалий вазифалари. Баланс тадқиқотларининг умумий тамойиллари ва калит участкасини танлаш.Баланс турлари ва баланс тармоқлари. Асосий сувли-физик ва фильтрацион хоссалар. Сув балансини таркибий қисмлари. Сув баланси элементларини аниқлаш усуллари.
- суғориладиган майдонларда гидрологик кузатув ишлари,ташкил қилиш ва ўтказиш.Гидромелиоратив тизимларда кузатув ишлари;
- гидрогеологик- мелиоратив башоратлар,уларни турлари ва усуллари. Башорат тузиш ва уларни натижаларини ҳаққонийлигини баҳолаш.
- коллектор-зовурларни ва тик зовур қудуқларни қўллаш самарадорлиги устидан кузатувлар;
- суғориладиган ерларда гидрогеологик-мелиоратив назорат кузатувлари маълумотларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш. Мелиоратив мониторинг маълумотларидан фойдаланиш. Маълумотларини қайта ишлашнинг автоматлаштирилган ахборот қидирув тизими (ААКТ) барпо қилиш ва ишлатиш.

Маълумки hozirgi кунда Ўзбекистон республикасида 4.3 млн.га суғориладиган ва суғоришга яроқли ерлар, 180 минг.км суғориш тармоқлари, 160 минг сув иншоотлари, 1614 дан насос станциялари, 19.2 млрд.хажм бўлган 73 та сув омбори, 4124 дан ортик тик зовурлар, 102,8 млн.км очик коллектор тармоқлари, 38.3 минг км ёпиқ зовур тармоқлари, 3451 тик дренаж қудуқлари, 153 та мелиоратив насос станциялари, 24839та режим кузатув қудуқлари мавжуд.




Бундай ирригатцион –хўжалик омилларни фаол таъсири ва хилма-хиллиги мелиоратив шароитга улкан юк бўлиб таъсир қилади ва унинг ахамиятини бахолаш ўта мураккаб вазифадир ва бу ер юзи ва ости сувлари режимини прогноз ва назорат қилиш,суғориладиган ва захи қочириладиган ерларда тупроқ хосил қилувчи ва инженер-геологик жараёнларини ўз таркибига олади. Яна кўшимча мониторингни асосий вазифаларидан бири – атроф мухитни муҳофаза қилишни амалга ошириш ва бу тадбирларни режалаштиришдир.

Мелиоратив мониторинг ишларини регионларда ва суғориш массивларида олиб бориш,инструктив материалларни тайёрлаш ва назарий асосларини ишлаб чиқишда бир қатор олим ва мутахассислар М.А.Шмидт, Д.М.Кац, М.М.Крилов, Н.А.Кенесарин, Н.Н.Ходжибаев, Б.Я.Нейман, И.А.Сорокина, М.С.Алимов, А.Жалолов, А.Яшин, Р.Икрамов, А.Рамазанов ва бошқалар иштирок этдилар.

Қўлланмани тайёрлашда ёрдам берган доц.С.Нуржанов, битирувчи курс талабалар Х.Рахимов, Т.Умирзоков ва М.Шахабиддиноваларга чуқур миннатдорчилик бирдирамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ЕР ОСТИ СУВЛАРИНИНГ МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ

Давлат ер ости сувлари мониторинги кузатув нуқталарининг ер ости сув конлари бўйича ва мақсадли тақсимланиши



QUESTIONS?



•Геология, геоморфология, геодезия, география, биология, гидрогеология, кристаллография, палеонтология, тупроқшунослик, геотектоника, стратиграфия, мухандислик геологияси, Ер тараққиёти.

•Назорат саволлари

- «Геология» атамасининг этимологик, луғавий ва илмий маънолари деганда нималарни тушунасиз?
- Геология атамасини ким ва қачон фанга киритган?
- Геология фанининг асосий тармоқлари ҳақида нималарни биласиз?
- Геология қайси фанлар билан узвий алоқада?
- Геология фанининг шаклланишига ҳисса қўшган олимлар ва уларнинг фикрлари тўғрисида маълумот беринг.